

Чуст туман “CHUST NEPPY BABY” МЧЖ бундан буён “Етказиб берувчи” деб аталувчи номидан М.Курбонов бир томондан Чуст туман Силга қарши курашиш диспансери бундан буён “Истеъмолчи” деб аталувчи номидан Ю.Норбаев иккинчи томондан ҳамда қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Етказиб берувчи” ушбу шартномага асосан “Истеъмолчи” ўзаро келишилган микдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги озик овкат махсулотларини етказиб беради. “Истеъмолчи” етказиб берилган озик овкат махсулотларни қабул қилиб олиб, тўлов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштирилади. “Истеъмолчи” тақдим этган тўлов ҳужжатларига асосан белгиланган тўлов кетма кетлигига рўя қилган ҳолда “Истеъмолчи”нинг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда худудий газна ҳисоб рақамидан тўловларни амалга оширади.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати (Йигирма турт миллион) сўмни ташкил этади. Етказиб бериладиган озик овкат махсулотларининг шартнома тузиш вақтидаги микдори, нархи ва етказиб бериш муддати қуйида келтирилган:

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	1 бирлигининг нархи(сўм)	Жами сўмма (ҚҚС сиз)	Етказиб бериш муддати
1						
2	Мол гушти	Кг	400	60000	24 000 000	
	<b>Жами</b>				<b>24 000 000</b>	

2.2. “Истеъмолчи”га озик овкат махсулотлари “Етказиб берувчи”нинг транспортида етказиб берилади.

2.4. “Истеъмолчи” оладиган озик овкат махсулотлари учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган микдордан кам бўлмаган микдорда 30 фоиз тўловини олдиндан “Етказиб берувчи” ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.5. “Етказиб берувчи” ҳисоб рақамига аванс тўлови келиб тушгандан кейин 3 кун муддатда озик овкат махсулотларини етказиб беради.

2.6. Етказиб берилган озик овкат махсулотлар учун “Истеъмолчи” тақдим этилган ҳужжатларга асосан узил кесил ҳисоб китобни махсулотлар тўлик етказиб берилгандан кейин 90 кун мобайнида “Етказиб берувчи” ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.7. “Етказиб берувчи” томонидан “Истеъмолчи”га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортик суммада озик овкат махсулотлари етказиб берилган ҳолатларда шартнома умумий суммасидан ортик қисми учун “Истеъмолчи” томонидан ҳақ тўланмайди, томонларнинг ўзаро ёзма қўшимча келишувига мувофиқ етказиб берилган ҳолатлар бундан мустасно.

### III. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

3.2. “Истеъмолчи” томонидан талабномани озик овкат махсулотларининг тегишли туркумлари етказиб беришнинг мўлжаллаётган санасигача қамада 3 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Талабноманинг чопар орқали қабул қилишда “Етказиб берувчи”нинг ходими “Истеъмолчи” да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

3.3. “Истеъмолчи” илгари берилган талабноманинг бекор қилишда ёхуд озик овкат махсулотларининг тегишли туркумлари етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Етказиб берувчининг талабномада кўрсатилган сана бошланишидан қамада 1 кун олдин хабардор қилади.

3.4. “Истеъмолчи” муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган озик овкат махсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

### IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Етказиб берувчи”нинг етказиб бериладиган махсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меёрларга мувофиқ бўлишини ҳамда тегишли сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган микдорда бўлишини таъминлайди.

4.2. "Истеъмолчи"га озик овкат махсулотларини етказиб бериш вақтида тегишли сифат сертификат ёки таҳлил (текшириш)баёни нухасини такдим этади.

4.3.Озик овкат махсулотларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни "Истеъмолчи"талабига мувофик 3 кунлик муддатда бартараф этади.

"Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

4.4.Ўз талабномаси бўйича етказиб берилган озик овкат махсулотларини шартномага мувофик қабул қилиш;

4.5.Озик овкат махсулотларни белгиланган нархлар асосида тегишли муддатларда узил кесил ҳисоб китобни амалаг оширишини таъминлаш.

#### V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1.Озик овкат махсулотларини етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган тўлик етказиб берилмаган ҳолларда "Етказиб берувчи" "Истеъмолчи" га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорда пеня тўлайди,бирок бунга пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.Пеняни тўлаш "Етказиб берувчи"ни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш,тўлик етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2.Етказиб берилган озик овкат махсулотлари ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1.Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қоидага кўра мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2.Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муружаат қилишга ҳақлидир.

#### VII. ФОРС МАЖОР

7.1.Форс мажор ҳолатлар жумладан ер кимираши,сел қилиши каби табиий офатлар шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

#### VIII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1.Мазкур шартнома "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"томонидан тасдиқланиб Ҳазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қучга қиради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

8.2.Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб китоб тўлик тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### IX. АЛОХИДА ШАРТЛАР

9.1.Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолошган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

9.2.

#### X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1.Мазкур шартнома уч нусхада тузилади.Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик қучга эгадир.

#### XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДК ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

##### "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"

##### "БУЮРТМАЧИ"

Номи: "CHUST NEPPY BABY" МЧЖ  
Манзил :Чуст туман Камарсада МФЙ, Фидокор қ.  
Хр/20208000905422703001  
Банк номи: Халқ банки Чуст туман бўлими  
МФО:00715  
ИНН:308752292

Номи Чуст СҚҚД  
Манзил: Чуст туман Ғайрат қишлоғи  
Тел факс \_\_\_\_\_  
Хр 100022860142377073201054001  
ИНН 206967986  
ОКОНХ 91511  
Банк номи\_ Тошкент ш ХКҚМ  
Марказий банки  
Чуст туман Ҳазначилик бўлими  
Хр/23402000300100001010  
ИНН:201122919 МФО:00014  
Тошкент ш ХКҚМ Марказий банки  
Раҳбар \_\_\_\_\_ Ю.Норбаев.



Раҳбар:

М.Курбонов

Юрист:



Раҳбар:

Ю.Норбаев.